QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTINING
QARORI

2026 yil « 16 » ноябрь № ПҚ–396

Спорт соҳасини рақамлаштириш ва самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш чора-тадбирлари тўғрисида

Жисмоний тарбия ва спорт соҳасини рақамлаштириш орқали очиқлик ва шаффофликни таъминлаш, ихчам ва самарали бошқарувни йўлга қўйиш, иқтидорли спортчи ёшлар селекция базасини кенгайтириш ҳамда жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолиятига кўмаклашиш ва спорт турлари бўйича тренерлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш мақсадида **қарор қиламан:**

I. Устувор йўналишлар

1. Қуйидагилар спорт соҳасида рақамлаштириш ва бошқарув тизими самарадорлигини оширишнинг **устувор йўналишлари** этиб белгилансин:

(а) жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари фаолиятини **тўлиқ рақамлаштириш**;

(б) “ERP sport” ягона электрон бошқарув тизимининг яхлит комплексини жорий этиш ва кузатиб бориш, шунингдек, унинг бошқа давлат ташкилотлари **ахборот тизимлари билан интеграциясини таъминлаш**;

(г) спорт соҳасини рақамлаштириш кўламини кенгайтириш мақсадида жорий этилаётган ахборот тизимлари ва дастурий маҳсулотлар фаолияти узлуксизлигини **таъминлаш**;

(д) “**мактабдан Спорт академиясигача**” ғояси асосида мактаб ўқувчиларини спортга қизиқтириш, спорт клублари ва тўгаракларига жалб қилиш орқали иқтидорли спортчи ёшлар **селекция базасини кенгайтириш**.

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

II. Рақамли технологияларни жорий этиш

2. Спорт вазирлиги томонидан спорт соҳасини рақамлаштириш мақсадида “Рақамли ҳукумат” тизими билан интеграция қилинган “ERP sport” ягона электрон бошқарув тизими (кейинги ўринларда – “ERP sport” тизими) ишга туширилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Спорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталарининг:

(а) спорт соҳасини рақамлаштириш, шу жумладан, “ERP sport” тизимини доимий техник қўллаб-қувватлаш, такомиллаштириш ва янги ахборот тизимларини ишлаб чиқишга қаратилган барча лойиҳалар Спорт вазирлиги ҳузуридаги “Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ томонидан амалга оширилиши;

(б) “ERP sport” тизимига барча давлат жисмоний тарбия-спорт муассасалари ҳамда спорт федерациялари (уюшмалари) томонидан спортчи, тренерлар ҳамда спорт тадбирлари тўғрисидаги маълумотларнинг **мажбурий тарзда** киритиб борилиши;

(в) спорт муассасалари спорт иншоотларига (спорт зал ва стадионлар) **смарт-камералар ўрнатиш** орқали марказлашган ҳолда видеокузатув имкониятини яратиш ҳамда улар орқали йиғилган маълумотларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш (давомат, машғулотлар сифати ва иқтидорли ёшлар селекцияси) тизимини жорий этиш ва ушбу маълумотларни **“ERP sport” тизимига интеграция қилиш** тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин.

4. “ERP sport” ягона электрон бошқарув тизимининг асосий вазифалари **1-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки:

(а) 2027 йил 1 февралдан бошлаб Спорт вазирлиги тизимидаги спорт-таълим муассасаларида мавжуд **пулли хизмат кўрсатиш орқали тушаётган тушумларнинг тўлиқ электрон назоратини ўрнатиш** мақсадида **Марказий банкнинг** “**МУНИС**” тизими билан “ERP sport” тизимининг интеграцияси йўлга қўйилади. Бунда **пулли хизматлар учун тўловлар ягона ҳисоб рақамга йўналтирилади ва** қуйидаги **миқдорда** автоматик тақсимланади:

(i) 80 фоизи – **спорт-таълим муассасаси**га;

(ii) 10 фоизи – Спорт вазирлигининг **Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси**га;

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

(iii) 10 фоизи – “**Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази**” МЧЖга ўтказилади;

(б) “ERP sport” тизимига маълумотларнинг **ўз вақтида киритилиши** ҳамда **ҳаққонийлиги учун** тегишли давлат жисмоний тарбия-спорт ташкилотлари ва спорт федерациялари раҳбарлари **шахсан жавобгар ҳисобланади**;

(в) спорт соҳасини рақамлаштириш, “ERP sport” тизимини қўллаб-қувватлаш ва такомиллаштириб бориш Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари календарь режаси доирасидаги маблағлар, шунингдек, зарур ҳолларда Спортни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

(г) мазкур қарорнинг 3-банди “в” кичик бандида назарда тутилган тадбирларни молиялаштириш Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги ПҚ–320-сон қарори билан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига **сунъий интеллект технологияларини** жорий этиш учун **беғараз** ажратилган маблағлар ҳисобидан амалга оширилади.

6. “ERP sport” тизими доирасида спорт соҳасида интерактив хизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида яратилган “**MySport”** мобил иловасида қуйидаги қўшимча имкониятлар яратилади:

(а) спорт турлари бўйича **пулли хизмат кўрсатувчи** давлат ва **нодавлат** спорт ташкилотлари бино-иншоотларини соатбай, кунбай, ойлик ҳамда йиллик тарифлар бўйича тизим орқали банд қилиш ҳамда **тўловни амалга** оширишни йўлга қўйиш;

(б) давлат спорт ташкилотлари бино ва иншоотларини ижарага бериш орқали тушадиган **маблағларни назорат** қилиб бориш;

(в) ташкилот рейтинглари, спорт турлари, тарифлар, иншоотлар жойлашуви (локациялар), акциялар ва бошқа турли ахборот ва статистик **маълумотларни олиш**.

7. Белгилансинки, **2027 йил 1 январдан бошлаб** “ERP sport” тизими орқали спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларига диплом ва сертификатларни **QR код** (матрик штрихли код) қўйилган ҳолда **электрон шаклда** бериш тартиби жорий этилади.

III. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларини спортга жалб этиш тизимини кенгайтириш

8. Қуйидагилар умумтаълим муассасаларида ўқувчиларни спортга жалб этишнинг **қўшимча йўналишлари** этиб белгилансин:

(а) умумтаълим муассасалари қошида **спорт клублари ва тўгараклари тармоғини кенгайтириш**, жисмоний тарбия фани ўқитувчилари фаолиятини ривожлантириш;

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

(б) спорт мактабларини бириктирган ҳолда умумтаълим муассасаларида **“мактабдан Спорт академиясигача”** ғоясига асосланган яккакураш ва жамоавий олимпия спорт турлари бўйича **камида 1 тадан спорт тўгаракларини** йўлга қўйиш.

9. Белгилансинки:

(а) 2027 йилдан бошлаб яккакураш олимпия спорт турлари билан шуғулланишга шароит яратиш мақсадида:

(i) умумтаълим муассасаларига мазкур спорт турларида фойдаланиш мумкин бўлган универсал қопламалар етказиб бериш тизими йўлга қўйилади;

(ii) мазкур мақсадлар учун Таълим соҳасида ислоҳотларга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ҳар йили **5 миллиард** сўмгача маблағлар йўналтирилади;

(б) жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг амалдаги йиллик иш режаси бўйича ўқув-тарбия жараёни дарс машғулотларидан ташқари спорт тўгараклари, оммавий спорт тадбирларини ташкил этиш билан боғлиқ машғулотлар билан такомиллаштирилади.

IV. Спорт соҳасида самарали бошқарувни йўлга қўйиш

10. Спорт вазирлиги тизимидаги спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари негизида **Олимпия терма жамоалари маркази** (кейинги ўринларда – Марказ) ташкил этилсин.

11. Олимпия терма жамоалари марказининг асосий вазифалари **2-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

12. Белгилансинки:

(а) Марказ **3-иловадаги** рўйхатга мувофиқ Республика олий спорт маҳорати мактаблари негизида Спорт вазирлиги тизимидаги давлат муассасаси шаклида амалдаги молиялаштириш тартиби сақланган ҳолда ташкил этилади;

(б) Марказ тугатилаётган Республика олий спорт маҳорати мактабларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

(в) Марказ фаолияти спорт федерациялари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, миллий терма жамоалар учун спортчилар тайёрлашни мувофиқлаштириш ҳамда бу борадаги ишларни тизимлаштириш ва натижадорликни таъминлашга йўналтирилади;

(г) Республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаби фаолияти тугатилади. Бунда:

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

(i) бошқарув ходимларининг штат бирликлари Марказга, тренер ходимлар штат бирликлари Миробод туманидаги 2-сон спорт мактабига;

(ii) товар-моддий бойликлари ва бино-иншоотлари тегишли ҳудуди билан биргаликда оператив бошқарув ҳуқуқи асосида – Тошкент шаҳар спорт бошқармаси балансига ўтказилади;

(д) ихтисослаштирилган спорт мактаблари фаолияти янги тартибда йўлга қўйилиб, улар Марказнинг захира спортчиларни тўғридан-тўғри етказиб берувчи ҳудудий тузилмалари сифатида фаолият юритади;

(ж) Марказда фақатгина катталар ўртасида бўлиб ўтадиган ёзги ва қишки Олимпия ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари ривожлантирилади ҳамда бириктириладиган спорт турлари рўйхати Спорт вазирлиги томонидан белгиланади;

(з) Марказ тренерларига ҳар ойлик устамалар улар томонидан тайёрланган спортчиларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда эришган натижаларидан келиб чиқиб белгиланади.

13. Сув спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бино ва иншоотлари тақсимоти **4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

14. Марказ Тошкент шаҳридаги Олимпия шаҳарчасида **текин фойдаланиш ҳуқуқи асосида** жойлаштирилади.

V. Спорт соҳасидаги ҳудудий бошқарув тизимини такомиллаштириш

15. Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси, Спорт вазирлиги ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

(а) Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимларининг **спорт бўйича маслаҳатчиси** (кейинги ўринларда – маслаҳатчи) лавозимини жорий этиш;

(б) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитасининг ҳудудий бўлинмасининг **ижрочи директорини** бир вақтнинг ўзида маслаҳатчи этиб белгилаш;

(в) маслаҳатчини Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари томонидан Спорт вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси билан келишган ҳолда, белгиланган тартибда лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод қилиш.

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

16. Маслаҳатчининг **асосий вазифалари** этиб қуйидагилар белгилансин:

(а) жойларда аҳоли, айниқса ёшларни оммавий спортга жалб этиш тизими самарали амалга оширилиши ва бу борада туман (шаҳар) ҳокимликлари билан ҳамкорликни таъминлаш;

(б) спорт инфратузилмаси яхши ривожланмаган олис ва чекка ҳудудлардаги маҳаллаларда спорт иншоотларини барпо этиш, спорт мактаблари ҳамда умумтаълим муассасаларида спорт тўгараклари тармоғини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитларни яратиш;

(в) "**Президент Олимпиадаси**" спорт мусобақаларининг жойлардаги босқичларини юқори савияда ташкил этиш ва ўтказиш бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш;

(г) Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича республика ва халқаро миқёсдаги нуфузли мусобақаларда ҳудудий терма жамоаларнинг ҳар томонлама муваффақиятли иштирокини ташкиллаштириш;

(д) маҳаллий ҳокимликларнинг Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия ва паралимпия қўмиталари, спорт федерациялари билан доимий ҳамкорлигини ташкиллаштириш.

17. Белгилансинки:

(а) Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси ҳудудий бўлинмаларининг амалдаги штат бирликлари тўлиқ сақлаб қолинади;

(б) маслаҳатчи Қорақалпоғистон Республикаси Спорт вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар спорт бошқармалари билан яқин ҳамкорликда ўз фаолиятини амалга оширади.

VI. Қарор ижросини ташкил этиш, таъминлаш ва назорат

18. Спорт соҳасини рақамлаштириш ва самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар дастури **5-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига **6-иловага** мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

20. Спорт вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда **уч ой муддатда** қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

21. Мазкур қарорнинг ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсан жавобгар этиб спорт вазири А.И. Икрамов белгилансин.

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

22. Қарор ижросини муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул ташкилотлар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг спорт бўйича вакили О.Қ. Абдурахманов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Ш. Мирзиёев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1

Тошкент шаҳри

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 16 ноябрдаги ПҚ–396-сон қарорига
1-илова

“ERP sport” ягона электрон бошқарув тизимининг асосий вазифалари

1. Спорт ҳамда оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календарь режасини электрон юритиш.
2. Спортчиларнинг спорт мусобақаларидаги натижалари ҳамда спорт синовлари иштирокчилари томонидан нормативлар бажарилишини электрон юритиш.
3. Давлат спорт-таълим муассасалари, спорт клублари ва бошқа жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг спортчилари ҳамда тренерлари ва бошқа мутахассислари тўғрисидаги маълумотларни юритиш.
4. Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида фаолият юритувчи ташкилотлар ва спорт иншоотлари ҳамда спорт федерациялари (уюшмалари) ва спорт турлари (спорт турининг тармоқлари) реестрини юритиш.
5. Спорт турлари бўйича терма жамоаларни шакллантириш ва уларнинг ҳисобини юритиш.
6. Давлат спорт-таълим муассасаларининг спорт жиҳозлари ва анжомлари билан таъминланганлик ҳолатини рақамлаштириш орқали ҳақиқий эҳтиёжни аниқлаш.
7. Спорт соҳасида электрон давлат хизматларини кўрсатиш ҳамда давлат хизматларини проактив шаклда юритиш.
8. Давлат спорт-таълим муассасаларининг ижодий имтиҳон жараёнлари реал вақт режимида шаффоф ўтказилишини таъминлаш.
9. Спорт соҳасига ажратиладиган маблағлардан самарали фойдаланишни электрон бошқариш.
10. Давлат спорт-таълим муассасаларининг фаолиятини электрон баҳолаш ва уларнинг рейтингини юритиш.
11. Давлат спорт-таълим муассасаларига селекция қилинган иқтидорли спортчилар ҳисобини юритиш.
12. Маҳаллаларда қуриладиган спорт майдончаларини аҳоли электрон овоз бериши йўли орқали танлашда шаффофликни таъминлаш.

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

13. Давлат спорт-таълим муассасаларининг мавжуд пуллик хизматларини юритиш ва тушумларни назорат қилиш.

14. Спортчиларнинг спорт машғулотларидаги давоматини электрон юритиш.

15. Спорт соҳасида интерактив хизматларни кўрсатиш.

16. Спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларига электрон шаклда диплом ва сертификатлар бериш.

17. Спорт соҳасида сунъий интеллектни жорий этиш.

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 16 ноябрдаги ПҚ–396-сон қарорига
2-илова

Олимпия терма жамоалари марказининг асосий вазифалари

1. Олимпия спорт турлари бўйича миллий терма жамоаларни шакллантириш ва уларнинг тайёргарлигини ташкил қилиш.

2. Миллий терма жамоалар учун ўқув-машғулот йиғинларини ташкил этиш, республика ва халқаро спорт мусобақаларида уларнинг иштирокини таъминлаб бориш.

3. Зарур спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозланган, замонавий халқаро талаблар ва стандартларга жавоб берадиган моддий-техника ҳамда ўқув-машғулот базаларини яратиш ва ушбу базалардан самарали фойдаланишни таъминлаш.

4. Халқаро даражадаги спортчиларни тайёрлаш учун миллий терма жамоаларга маҳаллий ва хорижий спорт мутахассисларини жалб этиш.

5. Истиқболли спортчиларни селекция қилиш ва тайёрлаш тизимини такомиллаштириш ва бу борада барча даражадаги спорт таълим муассасалари билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш.

6. Маҳаллий спорт мутахассисларининг касбий маҳоратини ошириш ва тажриба алмашиш учун энг илғор хорижий мамлакатларнинг спорт мактаблари, клублари ва марказлари билан ҳамкорликни ривожлантириш.

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 16 ноябрдаги ПҚ–396-сон қарорига
3-илова

Олимпия терма жамоалари маркази этиб қайта ташкил этилаётган республика олий спорт маҳорати мактабларининг
РЎЙХАТИ

1. **Гимнастика** бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби.
2. **Енгил атлетика** бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби.
3. **Спорт ўйинлари** бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби.
4. **Сув** спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби.
5. **Спортнинг қишки** ва **мураккаб техник турлари** бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби.
6. **Яккакураш** спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактаби.

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 16 ноябрдаги ПҚ–396-сон қарорига
4-илова

Сув спорт турлари бўйича республика олий спорт маҳорати мактабининг бино ва иншоотлари
ТАҚСИМОТИ

Т/р	Товар-моддий бойликлар манзили ва номи	Товар-моддий бойликларни қабул қиладиган ташкилотлар
1.	Тошкент шаҳри Олмазор тумани Университет кўчаси 1-уйда жойлашган 50 м сув ҳавзаси	Тошкент шаҳар Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби
2.	Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Юсуф Хос Хожиб кўчаси 40-уйда жойлашган 25 м сув ҳавзаси	
3.	Тошкент шаҳри Яшнобод тумани Авиасозлар мавзе 73-уйда жойлашган 50 м сув ҳавзаси	
4.	Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Туябўғиз” МФЙ ҳудудида жойлашган спорт базаси	Тошкент вилояти Сув спорт турларига ихтисослаштирилган спорт мактаби
5.	Тошкент вилояти Ўрта Чирчиқ тумани “Туябўғиз” МФЙ ҳудудида жойлашган “Қалдирғоч” спорт базаси	
6.	Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани Қоронкўл қишлоғида жойлашган эшкак эшиш спорт базаси	

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 16 ноябрдаги ПҚ–396-сон қарорига
5-илова

Спорт соҳасини рақамлаштириш ва самарали бошқарув тизимини йўлга қўйиш бўйича ЧОРА-ТАДБИРЛАР ДАСТУРИ

Т/р	Чора-тадбирлар номи	Амалга ошириш механизмлари	Амалга ошириш муддати	Молиялаштириш манбалари	Масъул ижрочилар
1.	Спорт муассасалари спорт иншоотларига (спорт заллари ва стадионлар) смарт-камералар ўрнатиш орқали марказлашган ҳолда **видеокузатув** имкониятини яратиш.	1. Спорт муассасалари спорт иншоотларига (спорт заллари ва стадионлар) 2026–2028 йилларда смарт-камералар ўрнатиш ва сервер қурилмаларини харид қилиш режа-графигини тасдиқлаш.	2026 йил декабрь	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 октябрдаги ПҚ–320-сон қарори билан Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятига сунъий интеллект технологияларини жорий этиш учун беғараз ажратилган маблағлар	Рақамли технологиялар вазирлиги, Спорт вазирлиги
		2. Спорт муассасалари спорт иншоотлари (спорт заллари ва стадионлар) учун смарт-камералар ва сервер қурилмаларни харид қилиш ва ўрнатиш. 3. Харид қилинган ва ўрнатилган смарт-камералар орқали видеокузатув имкониятини яратиш ҳамда улар орқали йиғилган маълумотларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиш (давомат, машғулотлар сифати ва иқтидорли ёшлар селекцияси) тизимини жорий этиш, шунингдек, ушбу маълумотларни “ERP sport” тизимига интеграция қилиш.	2026–2028 йиллар мобайнида		Рақамли технологиялар вазирлиги, “Uzinfocom” МЧЖ
2.	Марказий банкнинг “**МУНИС**” ахборот тизимини “**ERP sport**” тизими билан интеграция қилиш.	1. Ахборот тизимларини интеграция қилиш бўйича технологик йўриқнома ҳужжатларини белгиланган тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. 2. Ахборот тизимларини интеграция қилиш.	2027 йил 1 февраль	“Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ маблағлари	Спорт вазирлиги, Марказий банк

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

3.	“**ERP sport**” **тизими** фаолиятини **такомиллаштириш**, рақамлаштириш ишларини жадаллаштириш.	1. “ERP sport” тизимини тегишли вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимларига интеграция қилиш. 2. “ERP sport” тизимида жисмоний тарбия-спорт ташкилотларининг спортчи, тренерлар ҳамда спорт тадбирлари тўғрисидаги маълумотларини шакллантириш. 3. Мактаб спорт клублари ва тўгаракларидан спортчи ёшларни саралаб олиш ва спорт мактабларига селекция қилинган спортчилар ҳисобини юритиш тизимини йўлга қўйиш. 4. Умумтаълим муассасалари ўқувчиларининг умумтаълим фанлардаги машғулот вақтларини спорт машғулотлари вақти билан бир вақтга тўғри келмаслигини автоматик аниқлаш мақсадида “**Elektron kundalik**” ягона тизимидаги маълумотларни “ERP sport” тизимига узатиш орқали маълумот алмашинуви тизимини йўлга қўйиш. 5. Мактаб спорт клублари фаолияти самарадорлигини баҳолаш мезонларини тасдиқлаш. 6. Жисмоний тарбия ўқитувчиларининг ойлик, чораклик ва йиллик ҳисобот шакллари ҳамда фаолияти натижадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини жорий қилиш.	2027 йил март	“Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган маблағлар –	Спорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Таълим ва илм-фан вазирлиги, вазирлик ва идоралар, спорт федерациялари (уюшмалари) Таълим ва илм-фан вазирлиги, Спорт вазирлиги
4.	Спорт **мусобақалари жараёнларини** рўйхатга олиш, **саралаш** тизимини рақамлаштириш ишларини амалга ошириш.	1. Спорт федерациялари (уюшмалари) ва спорт клубларини “ERP sport” тизимида рўйхатдан ўтказиш. 2. “ERP sport” тизимининг “Спорт тадбирлари” ахборот тизими орқали спорт мусобақаларига оид маълумотларни доимий юритиб бориш. Бунда иштирокчиларни	2027 йил январь	“Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ маблағлари	Спорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, спорт федерациялари (уюшмалари)

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

		рўйхатга олиш ва натижаларни қайд этиб бориш. 3. “ERP sport” ягона электрон бошқарув тизимининг “Саралаш” ахборот тизимидан спорт ташкилотларига қабул қилишда фойдаланиш. 4. Спорт федерациялари (уюшмалари) ва спорт клубларига спорт мусобақалари иштирокчиларининг натижаларига асосан рейтинг шакллантирилиши учун “ERP sport” ягона электрон бошқарув тизимининг “Рейтинг” тизимида техник имкониятлар яратиш. 5. “Sport.uz” порталида спорт таълим муассасалари ва спорт федерациялари (уюшмалари) миллий порталини ишга тушириш ҳамда спорт ташкилотларига оид маълумотлар доимий юритилишини таъминлаш.			
5.	Спорт мусобақаларининг ғолиб ва совриндорларига **диплом** ва **сертификатларни электрон шаклда** бериш тизимини жорий этиш.	1. Ахборот тизимини Ўзбекистон ҳудудидаги расмий мусобақаларга автоматик уникал рақамли электрон диплом шаклланишини ишга тушириш. 2. “ERP sport” тизими орқали спорт мусобақалари ғолиб ва совриндорларига диплом ва сертификатларни QR код қўйилган ҳолда электрон шаклда бериш тизимини йўлга қўйиш.	2027 йил январь	“Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ маблағлари	Спорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, спорт федерациялари (уюшмалари)
6.	“ERP sport” тизими доирасида спорт соҳасида интерактив хизматлар кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш мақсадида “**MySport**” **мобил иловаси** фаолиятини такомиллаштириш.	1. Спорт турлари бўйича пулли хизмат кўрсатувчи давлат ва нодавлат спорт ташкилотлари бино-иншоотларини соатбай, кунбай, ойлик ва йиллик тарифлар бўйича тизим орқали банд қилиш ва тўловни амалга оширишни йўлга қўйиш. Бунда давлат спорт иншоотларини ижарага бериш орқали	2027 йил январь	“Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ маблағлари	Спорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

		тушадиган маблағларнинг назоратини олиб бориш. 2. Рейтинглар, спорт турлари, тарифлар, иншоотлар жойлашуви (локациялар), кешбэклар, акциялар ҳақида ва бошқа турли ахборот ва статистик маълумот олиш имкониятини яратиш.			
7.	“**Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари**” мусобақалари жараёнларини рақамлаштириш.	1. “ERP sport” тизимидаги “**Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари**” мусобақалари учун ишлаб чиқилган модулни амалиётга жорий қилиш. 2. “**Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари**” мусобақалари натижаларини реал вақт режимида онлайн эълон қилиб боришни йўлга қўйиш.	2027 йилдан бошлаб	“Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ маблағлари, қонунчиликда тақиқланмаган маблағлар	Спорт вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги
8.	Мактаб спорт клублари ва тўгаракларидан иқтидорли спортчи **ёшларни саралаб олиш** ва спорт мактабларига селекция қилишнинг рақамлаштирилган тизимини жорий этиш.	1. Умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг бир вақтда таълим жараёни ҳамда спорт билан шуғулланиши жараёнларида молиявий маблағлар тўғри сарфланишини ташкил қилиш мақсадида “emaktab.uz” электрон платформасини “ERP sport” тизими билан интеграция қилиш. 2. “ERP sport” тизимида мактаб спорт клублари ва тўгараклари самарали фаолият юритиши, уларни зарур моддий-техник база ва спорт жиҳозлари билан таъминланганлиги, ўқув-машғулот жараёнларида ўқувчиларнинг машғулотларга қатнашиш давоматини электрон юритиш.	2027 йил январь	– “Рақамлаштириш ва сертификатлаш маркази” МЧЖ маблағлари	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Спорт вазирлиги Спорт вазирлиги
9.	“**Мактабдан Спорт академиясигача**” ғояси асосида умумтаълим муассасаларининг спорт клублари ва тўгараклари тармоғини кенгайтириш ҳамда	1. Умумтаълим муассасаларининг спорт клублари ва тўгаракларида, устувор равишда, Олимпия ўйинлари дастурига кирган спорт турларини ривожлантириш.	2027 йилдан бошлаб	Давлат бюджети маблағлари	Таълим ва илм-фан вазирлиги, Спорт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

	жисмоний тарбия ўқитувчилари фаолиятини ривожлантириш.	2. Умумтаълим муассасаларининг спорт клублари ва тўгараклари хусусияти, ўқувчилар қамрови ҳамда мавжуд спорт инфратузилмасидан келиб чиқиб, спорт жиҳозлари ва инвентарлари билан таъминлаш. 3. Яккакураш спорт турлари билан шуғулланишга шароит яратиш учун умумтаълим муассасаларига бир нечта спорт турларида фойдаланиш мумкин бўлган универсал қопламалар етказиб бериш. 4. Жисмоний тарбия ўқитувчилари томонидан умумтаълим муассасалари ўқувчилари орасидан истеъдодли спортчиларни саралаб олиш (селекция қилиш) юзасидан оммавий спорт бўйича тренер-селекционер билан узвий ҳамкорликни йўлга қўйиш. 5. Олимпия спорт турлари бўйича умумтаълим муассасалари ўқувчилари учун бошланғич жисмоний тайёргарлик методикасини яратиш. 6. Умумтаълим муассасаларининг спорт клублари ва тўгараклари шуғулланувчиларини “Янги Ўзбекистон Олимпия чўққилари” спорт мусобақаларига тизимли жалб этиб бориш. 7. “ERP sport” тизимига умумтаълим муассасаларининг ўқувчи-спортчилари тўғрисидаги маълумотларни киритиб бориш.			Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари
10.	Спорт вазирлиги тизимидаги спорт турлари бўйича Республика олий спорт маҳорати мактаблари негизида **Олимпия терма жамоалари марказини** ташкил	1. Олимпия терма жамоалари маркази фаолиятини ташкил этиш, шунингдек, Марказ низоми, намунавий штатлар жадвали ва ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш меъёрлари ва тартибини белгилашни назарда тутувчи	2026 йил декабрь	–	Спорт вазирлиги, Ўзбекистон Миллий олимпия қўмитаси

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

	этиш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини ишлаб чиқиш.	норматив-ҳуқуқий ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш. 2. Лойиҳани манфаатдор вазирлик ва идоралар билан келишиш. 3. Лойиҳани Вазирлар Маҳкамасига киритиш.	2027 йил январь		

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2026 йил 16 ноябрдаги ПҚ–396-сон қарорига
6-илова

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 3 ноябрдаги “Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда илмий тадқиқотлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–414-сон қарори 3-бандининг бешинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Олимпия ва Паралимпия, Осиё ва Параосиё ўйинлари дастурига киритилган спорт турлари бўйича республика чемпионатларида охирги бир йилда ғолиб (1-ўрин) бўлган спортчилар. Мазкур спортчилар вариатив (ўзгарувчан) ўқув режалари асосида ўқитилади, шунингдек, улар маҳаллаларда спорт тўгаракларини очиш ва бошқариш, спорт тадбирларини ташкил қилиш, ёшлар ўртасида спортнинг афзалликларини тарғиб қилиш ишларига жалб қилинади. Бунда янги ўқув йилига қадар бўлган ўтган календарь йилнинг 1 июлидан янги календарь йилнинг 30 июнига қадар (шу куни ҳам) бўлган муддатларда спортчилар томонидан эришилган натижалар ҳисобга олинади”.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 ноябрдаги “Ўқ отиш спорт турларини янада ривожлантириш ва оммалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–381-сон қарорида:

(а) 8-бандда “Ўзбекистон ўқ отиш спорти федерациясининг” сўзларидан кейин “2026–2028 йилларда” сўзлари билан тўлдирилсин;

(б) 9-бандниng иккинчи хатбошиси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Терма жамоалар маркази давлат-хусусий шериклик шартлари асосида хусусий инвестор маблағлари ҳисобидан барпо этилади”.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 4 ноябрдаги “Сув спорти турларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ–382-сон қарорининг 9-банди “Ўзбекистон сузиш федерациясининг” сўзларидан кейин “2025–2028 йилларда” сўзлари билан тўлдирилсин.

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 1 апрелдаги ПҚ–132-сон қарори билан тасдиқланган Сирдарё туманини 2025–2026 йилларда жадал комплекс ривожлантириш дастурининг 19-позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

19.	Сирдарё туман 1961 йилда ташкил этилган бугунги кунда таъмирталаб ҳолатга келиб қолган Спорт мактаби инфратузилмасини яхшилаш.	1. Лойиҳаларни амалга ошириш бўйича тармоқ жадваллари ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда тасдиқлаш. 2. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун пудрат ташкилотларни онлайн электрон тендер танловларини ташкил этиш. 3. Қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш ва лойиҳани фойдаланишга топшириш.	Ҳисоб-китобларга асосан (Республика бюджетидан Спорт вазирлигига ажратилган маблағлар ҳисобидан)	2026-2028 йиллар	Спорт вазирлиги, Сирдарё вилояти ҳокимлиги

”.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 8 июлдаги ПҚ–221-сон қарори билан тасдиқланган 2028 йил Лос-Анжелес шаҳрида (АҚШ) бўлиб ўтадиган XXXIV ёзги Олимпия ўйинларига тайёргарлик кўриш ҳамда миллий терма жамоа аъзоларининг контингенти бўйича мақсадли кўрсаткичларнинг “II. Истиқболли спорт турлари” бўлимида:

(а) 1-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

1.	Спорт гимнастикаси	18	10	28

”;

(б) 2-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

2.	Бадиий гимнастика	18	10	28

”;

(в) 18-позиция қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

18.	Трамполин	6	5	11

”;

QMMB: 07/26/396/1134-son
16.11.2026-y.

(г) “Жами” позицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“

Жами:	**548**	**170**	**718**

”.

O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI PREZIDENTI ADMINISTRATSIYASI
KANSELYARIYA
1